

## Имом Термизий мадрасасига янги раҳбар тайинланди



11:42 / 20.09.2023 855

Шу йил 19 сентябрь куни Имом Термизий ўрта-махсус ислом таълим муассасасида педагог-ўқитувчиларнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси масъул ходими Музаффар домла Жабборов Имом Термизий мадрасаси директори лавозимига тайинланди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Уйғун домла Ғафуров таълим сифатини ошириш, педагог-ўқитувчиларга муносиб шароитлар яратиш, талаба-ёшларни билим ва кўникмаларини янада ошириш ишларига алоҳида урғу қаратиш зарурлигини таъкидлаб, бу борада янги раҳбарга мадраса жамоаси ҳам елкадош бўлиши, ҳамжихатликда бир ёқадан бош чиқариб иш юритиш катта ютуқларга омил бўлишини таъкидлади.





